

HM/29.05.2023

**Гендер масалалари ва  
табiiй офатларга жавоб  
бериш буйича**

**ЙУРИҚНОМА**



Organization for Security and  
Co-operation in Europe  
Project Co-ordinator in Uzbekistan



HM/29.05.2023

**Гендер масалалари ва табиий офатларга жавоб бериш бўйича йўриқнома**

*1-лойиҳа*

Генри Миртинен

29.05.2023

# МУНДАРИЖА

<b>Асосий тушунчалар</b> .....	<b>3</b>
<b>Кириш</b> .....	<b>4</b>
Асосий маълумот .....	4
Йўриқноманинг умумий тузилмаси .....	4
<b>Ҳуқуқий асослар</b> .....	<b>5</b>
Миллий ҳуқуқий асослар .....	5
Халқаро ҳуқуқий асослар ва кўрсатмалар .....	6
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциялари .....	7
Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) .....	7
Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик (WPS) кун тартиби .....	9
<b>Гендер ва фалокатлар/фавқулодда вазиятлар</b> .....	<b>12</b>
Фалокат турлари .....	12
Гендер ва табиий офатлар .....	12
Аёллар ва қизлар .....	12
Эркаклар ва ўғил болалар .....	14
Ўзаро боғлиқ омиллар – ижтимоий-иқтисодий синф, ёш ва ногиронлик .....	15
<b>Гендер ҳамда фалокатлар хавфини камайтириш ва бошқариш</b> .....	<b>16</b>
Табиий офатларга тайёргарлик .....	16
Тезкор жавоб бериш .....	17
Ўрта/узоқ муддатли реабилитация ва тикланиш эҳтиёжлари .....	19
<b>Қўшимча манбалар</b> .....	<b>21</b>

## Асосий тушунчалар

**Фалокатлар — жамият ўз ресурсларидан фойдаланган ҳолда енгиши имкони бўлмаган жамият фаолиятидаги жиддий бузилишлардир.** Фалокатлар табиий, инсон томонидан яратилган ва технологик хавф-хатарлар, шунингдек, жамиятнинг таъсири ва заифлигига таъсир қилувчи турли омиллар туфайли юзага келиши мумкин. (IFRC, n.d.)

**Гендер —** маълум бир даврда маълум бир жамият эркаклар ва аёллар учун мос деб ҳисоблаган роллар, хатти-ҳаракатлар, фаолият ва хусусиятларни англатади. Эркак ва аёл бўлиш, аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўғил болалар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ ижтимоий хусусиятлар ва имкониятлардан ташқари, гендер аёллар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларни ҳам қамраб олади. Бу хусусиятлар, имкониятлар ва муносабатлар ижтимоий жиҳатдан қурилган ва ижтимоийлашув жараёнлари орқали ўрганилади. Улар контекст/вақтга хос ва ўзгарувчан. Гендер маълум бир контекстда аёл ёки эркакда қутилган, рухсат этилган ва қадрланадиган нарсаларни белгилайди. Аксарият жамиятларда аёллар ва эркаклар ўртасида тайинланган масъулият, амалга оширилган фаолият, ресурслардан фойдаланиш ва уларни назорат қилиш, шунингдек, қарор қабул қилиш имкониятларида фарқлар ва тенгсизликлар мавжуд. Гендер ижтимоий-маданий таҳлилнинг бошқа муҳим мезонлари, шу жумладан синф, ирқ, қашшоқлик даражаси, этник гуруҳ, ёш ва бошқалар каби кенгроқ ижтимоий-маданий контекстнинг бир қисмидир. (UN Women, n.d.)

**Жабрланганларга қаратилган —** омон қолганларга қаратилган ёндашув ҳар бир омон қолганнинг ҳуқуқларини барча ҳаракатларда биринчи ўринга қўйиш ва шахс уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлашга қаратилган. (UNICEF, n.d.)

**Фавқулодда вазиятлар —** маълум ҳудудда юз берган фалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар етказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолат.

**Сендай дастури —** 1994 йилда Иокогамада (Япония) Табиий офатларни камайтириш бўйича биринчи жаҳон конференцияси бўлиб ўтган. Унда Иокогама стратегияси ва Жаҳон хавфсизлиги учун ҳаракатлар режаси: табиий офатлардан ҳимояланиш, тайёргарлик ва оқибатларни юмшатиш бўйича қўлланма қабул қилинган.

2005–2015 йилларда ҳаракатлар бўйича Хиого ҳадли дастурини (22.01.2005 йилда Хиого префектураси (Япония) Кобе шаҳрида қабул қилинган) амалга ошириш натижалари 2015 йил март ойида Сендай шаҳрида (Япония) офатлар хавфини камайтириш бўйича III Жаҳон конференциясида тақдим этилган. «2015–2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури» конференцияда қабул қилинган асосий ҳужжат бўлган.

## Кириш

Ушбу Йўриқноманинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига (ФВВ) миллий ва халқаро ҳуқуқий мажбуриятларга, кўрсатмалар ва энг яхши амалиётлар мувофиқ табиий офатларга тайёргарлик кўриш ва табиий офатлар хавфини камайтириш ва бошқариш (DRRM) бўйича олиб бораётган ишларига гендер нуқтаи назарини яхшироқ интеграциялашда ёрдам беришдан иборат. У Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Ўзбекистондаги Лойиҳалар координатори (PCUz) томонидан буюртма берилган ва гендер бўйича ташқи эксперт, доктор Генри Миртинен томонидан тузилган.

### *Йўриқноманинг мақсади*

Ушбу Йўриқноманинг мақсади ФВВ ходимларига ва бошқаларга ўз ишига гендер масалаларини интеграция қилишлари учун кўшимча имкониятлар тақдим этиш, илғор халқаро тажриба алмашиш ва муҳим кўшимча ресурсларидан иборат.

### **Асосий маълумот**

Ўзбекистон бир қатор табиий офатлар, жумладан зилзилалар, сув тошқинлари ва қурғоқчиликлар, шунингдек, саноатлашган жамиятларга хос бўлган кўплаб техноген офат хавфи билан юзма-юз турибди. Ундан ташқари, мамлакатга пандемиялар, иқлим ўзгариши, иссиқлик таъсирининг кучайиши, сув ҳавзаларининг чўлланиши ва шўрланиши каби минтақавий ва глобал тенденциялар таъсир кўрсатмоқда, ва мамлакат Орол денгизининг қуриши оқибатларини ҳамон энгиб келмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир бўлган фалокатлар ва фавқулодда вазиятлар қочоқларнинг тўсатдан кириб келиши каби гуманитар таъсир ҳам кўрсатиши мумкин. Бу тез ва секин бошланадиган офатлар ва туб атроф-муҳит ўзгаришлари ҳар хил гендерли ижтимоий роллар ва кутишларга, шунингдек, ёши, жойлашуви, ижтимоий синф ва ногиронлик ёки сурункали тиббий ҳолатлар ва бошқалар каби бошқа омилларга боғлиқ равишда аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўғил болаларга турли хил таъсир кўрсатади. Ушбу гендер фарқларини тушуниш табиий офатларнинг олдини олиш, хавфларни камайтириш, шунингдек, фалокатлардан жабрланган барча инсонларнинг эҳтиёжлари ва заифликларини бартараф этиш учун тезкор ва узоқ муддатли чораларни яхшироқ режалаштириш ва амалга ошириш учун зарурдир.

### **Йўриқноманинг умумий тузилиши**

Ушбу кириш бўлимидан сўнг мазкур Йўриқнома Ўзбекистоннинг асосий миллий ва халқаро қонунчилик асослари ва йўриқномаларини қамраб олади (**2-бўлим**). **3-бўлим** турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятларни, уларда гендер қандай рол ўйнашини қисқача ёритади ва алоҳида ўзаро боғлиқ масалаларни ўрганиш заруриятини оширади. **4-бўлимда** Йўриқнома гендерни табиий офат ва фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш ва жавоб қайтаришнинг турли босқичларига қандай интеграция қилишни ўрганади ва якуний бўлим (**5-бўлим**) кўшимча ресурсларни тақдим этади.

## Ҳуқуқий асослар

### Миллий ҳуқуқий асослар

Гендер истиқболларини табиий офатлар хавфини камайтириш ва бошқаришга интеграция қилиш Ўзбекистон Республикасининг турли миллий қонунчилик асослари, сиёсати ва ҳаракат режаларида ҳам бевосита, ҳам билвосита акс эттирилган.

Бу борадаги энг асосий қонун ҳужжати бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлиб, унда гендер тенглиги, хусусан, 18 ва 46-моддаларида ва бошқа моддаларда мустаҳкамланган.

DRRMга гендерни киритиш билан боғлиқ бўлган асосий қонунлар Ўзбекистон Республикаси қонунларидир:

- **“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”** ва
- **“Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”.**

DRRMнинг вазифалари ва фаолиятини амалга ошириш учун эса **“Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”** ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган.

Яқинда қабул қилинган **БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2022–2025 йилларга мўлжалланган “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисида”ги 1325-сонли резолюцияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий ҳаракатлар режасида** (бундан буён: Ўзбекистон WPS МҲР) DRRMнинг барча босқичларига гендер нуқтаи назарини киритиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган (шунингдек, WPS МҲР Кун тартиби бўйича кейинги бўлимига қаранг).

Ўзбекистоннинг WPS МҲР бу борада амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар асосан **“Фавқулодда вазиятларда аёллар ва қизларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳимоя қилиш ва қондириш тизимини такомиллаштириш” 5-мақсадида** белгилаб берилган куйидаги стратегик вазифалар ва таклиф этилаётган тадбирларга эга (1-жадвал).

### 1-жадвал: Ўзбекистоннинг 2022–2025 йилларга мўлжалланган WPS МҲР 5-мақсадининг стратегик вазифалари ва тадбирлари

<b>5-мақсад: Фавқулодда вазиятларда аёллар ва қизларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш тизимини такомиллаштириш</b>	
<b>Стратегик вазифа (СВ)</b>	<b>Тадбирлар</b>
<b>1-СВ:</b> Аёлларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олишни таъминлаш, шунингдек, аёллар ва қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш.	Фавқулодда вазиятларда алоҳида эҳтиёжларни, аёллар ва қизларнинг эҳтиёжларини ҳимоя қилиш ва ҳисобга олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.
	Фавқулодда вазиятларга масъул бўлган ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш
	Фуқаролик жамияти вакилларини алоҳида эҳтиёжлари, аёллар ва қизларнинг эҳтиёжларини ҳимоя қилиш ва ҳал қилиш тизими ҳақида хабардор қилиш.

<p><b>2-СВ:</b> Фавқулдда вазиятлардан жабрланганларга, шу жумладан зўравонлик қурбони бўлган аёллар ва болаларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш.</p>	<p>Фавқулдда вазиятларда аёллар ва болаларга ҳуқуқий, тиббий, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат хизматлари рўйхатини ишлаб чиқиш.</p>
	<p>Жумладан — ярадор ва касал аёллар ва болалар (10, 100, 1000, 3000) фавқулдда вазиятларда шаҳар ва қишлоқ шароитида оммавий қабул қилинган тақдирда дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш; фавқулдда вазиятларда ярадор ва касал аёллар ва тиббий ёрдамга муҳтож болаларни тиббий саралашдан ўтказиш.</p>
	<p>Фавқулдда вазиятларда шу жумладан аёллар ва болалар учун тиббий хизматлардан фойдаланиш хавфсизлиги ва улардан фойдаланишнинг намунавий маҳаллий режасини назарда тутувчи соғлиқни сақлаш органлари учун йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; фавқулдда вазиятларда аёллар ва болаларга шошилинч ва тез ёрдам кўрсатиш.</p>
<p><b>3-СВ:</b> Фавқулдда вазиятларда аёллар ва қизларнинг ҳимоясини таъминлаш ва алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олиш вазифаларига эътибор қаратган ҳолда масъул ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш.</p>	<p>Фавқулдда вазиятларда гендер асосидаги зўравонликнинг олдини олиш, уларга жавоб бериш ва уларга аралashiш бўйича кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.</p>
	<p>Фавқулдда вазиятларда гендер асосидаги зўравонликнинг олдини олиш, уларга жавоб бериш ва уларга аралashiш бўйича идоровий кўрсатмалардан фойдаланиш бўйича ходимларни ўқитиш.</p>
	<p>Фавқулдда вазиятларни бартараф этишнинг стандарт режаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш.</p>
	<p>Фавқулдда вазиятларда гендер асосидаги зўравонлик билан боғлиқ ишларда судьяларга халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш бўйича тренинг ўтказиш.</p>

**2020–2030-йилларда Гендер тенгликка эришиш стратегияси, шунингдек, 2022–2026-йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур** муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа миллий стратегия ва дастурлардир.

### Халқаро ҳуқуқий асослар ва кўрсатмалар

Ушбу бўлимда Ўзбекистон имзолаган ёки бошқа йўллар билан DRRMда гендер бўйича сиёсат ва дастурларга таъсир кўрсатадиган ва йўриқнома сифатида хизмат қиладиган баъзи асосий халқаро асослар ва кўрсатмалар келтирилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича асосий Конвенциялари, Барқарор ривожланиш мақсадлари (БҲМ), Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик (АТХ) кун тартиби ва амалий жиҳатдан Идоралараро доимий қўмитанинг (IASC) гуманитар ҳаракатларда гендер бўйича кўрсатмалари тақдим етилган.



## Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциялари

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий конвенцияларини имзолаган ва ратификация қилган ва гендерни DRRMга интеграция қилиш нуқтаи назаридан энг муҳимлари бу Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (CRC) ва Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (CRPD). Уларнинг барчаси мос равишда аёллар, ногиронлар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

CEDAW конвенцияси табиий офатларга алоҳида эътибор қаратмаган бўлса-да, 2018 йилда CEDAWнинг [Ўзгарувчан иқлим шароитида табиий офатлар хавфини камайтиришнинг гендерга боғлиқ ўлчамлари бўйича 37-сонли Умумий тавсияси](#) қабул қилинди, бу DRRM ва атроф-муҳит деградацияси ва иқлим ўзгаришининг секинроқ бошланган таъсирини қамраб олади.

CRC, худди CEDAW сингари, ҳар қандай шароитда ҳам болалар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатлашга интилади, аммо табиий офат билан боғлиқ махсус моддаларга эга эмас. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари идораси (ИҲОКИ) ўз веб-сайтида табиий офатлар ва фавқулудда вазиятларда болалар ҳуқуқлари бўйича эксперт хулосаларини эълон қилган.

CRPDнинг 11-моддасида табиий офатлар ҳақида алоҳида таъкидланади, унда “Иштирокчи давлатлар халқаро ҳуқуқ, жумладан, халқаро гуманитар ҳуқуқ ва халқаро инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ, хавфли вазиятларда, шу жумладан қуролли можаролар, гуманитар фавқулудда вазиятлар ва табиий офатлар содир бўлган ҳолатларда ногиронлиги бор шахсларнинг ҳимояси ва хавфсизлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар.”

## Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)

Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) БМТга аъзо барча давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳам 2030-йилгача уларга эришишга интилишга ваъда берилган 17 та мақсаддан иборат. Табиий офатлар ва фавқулудда вазиятлар барча БРМларга эришишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ, офатлар фақат тўртта БРМ контекстида аниқ белгиланган — улар 1, 2, 11 ва 13-мақсадлар (1-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал: Табиий офатлар ва тегишли вазифа ва кўрсаткичлар қайд этилган БРМлар рўйхати

БРМ	Вазифа	Кўрсаткич
<b>1-мақсад:</b> Қашшоқликни ҳамма жойда барча шаклларда тугатиш.	<b>1.5.</b> 2030 йилга келиб, камбағал ва заиф одамларнинг чидамлилигини ошириш ва уларнинг иқлим ўзгариши ва бошқа иқтисодий, ижтимоий ва экологик зарбалар ва офатлар натижасида юзага келадиган экстремал ҳодисаларга нисбатан ҳимоясизлиги ва заифлигини камайтириш.	<b>1.5.1.</b> 100 000 кишига офатлар натижасида ўлганлар, бедарак йўқолган ва жароҳатланганлар сони.
		<b>1.5.2.</b> Жаҳон ялпи ички маҳсулотига (ЯИМ) нисбатан табиий офатлардан тўғридан-тўғри иқтисодий йўқотишлар.

<p><b>1-мақсад:</b> Қашшоқликни ҳамма жойда барча шаклларда тугатиш.</p>	<p><b>1.5.</b> 2030 йилга келиб, камбағал ва заиф одамларнинг чидамлилигини ошириш ва уларнинг иқлим ўзгариши ва бошқа иқтисодий, ижтимоий ва экологик зарбалар ва офатлар натижасида юзага келадиган экстремал ҳодисаларга нисбатан ҳимоясизлиги ва заифлигини камайтириш.</p>	<p><b>1.5.3.</b> <a href="#">2015–2030 йилларда табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастурига</a> мувофиқ табиий офатлар хавфини камайтириш миллий стратегиясини қабул қилган ва амалга ошираётган мамлакатлар сони.</p> <p><b>1.5.4.</b> Табиий офатлар хавфини камайтириш миллий стратегияларига мувофиқ табиий офатлар хавфини камайтириш стратегиясини қабул қилган ва амалга ошираётган маҳаллий ҳокимият органларининг улуши.</p>
<p><b>2-мақсад:</b> Очликни йўқ қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва овқатланишни яхшилаш ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш.</p>	<p><b>2.4.</b> 2030 йилга келиб, барқарор озиқ-овқат ишлаб чиқариш тизимларини яратишни таъминлаш, чидамлик ва маҳсулдорликни оширадиган ва ишлаб чиқаришни кўпайтирадиган, экотизимларни сақлашга ҳисса қўшадиган, иқлим ўзгаришига, экстремал об-ҳаво ҳодисаларига, қурғоқчиликка, тошқинларга ва бошқа офатларга мослашиш қобилиятини кучайтирадиган деҳқончилик усулларини жорий этиш ва ер ва тупроқ сифатини аста-секин яхшилаш.</p>	<p><b>2.4.1.</b> Самарали ва барқарор деҳқончилик усуллари қўлланиладиган қишлоқ хўжалиги ерлари майдонининг улуши.</p>
<p><b>11-мақсад:</b> Шаҳар ва аҳоли пунктларининг очиқлиги, хавфсизлиги, барқарорлиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш</p>	<p><b>11.5.</b> 2030 йилга келиб, ўлим ва жароҳатлар сонини сезиларли даражада камайтириш ва табиий офатлар, шу жумладан сув билан боғлиқ офатлар натижасида глобал ялпи ички маҳсулотнинг йўқотилиши кўринишидаги тўғридан-тўғри иқтисодий зарарни сезиларли даражада камайтириш, аҳолининг камбағал ва заиф гуруҳларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бериш.</p> <p><b>11.6.</b> 2020 йилга келиб, ижтимоий тўсиқларни бартараф этиш, ресурслар самарадорлигини ошириш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, унинг ўзгаришига ва табиий офатларга қарши туриш қобилиятига мослашишга қаратилган комплекс стратегия ва режаларни қабул қилган ва амалга ошираётган шаҳарлар ва аҳоли пунктлари сонини сезиларли даражада ошириш ва</p>	<p><b>11.5.1.</b> 100 000 кишига офатлар натижасида ўлганлар, бедарак йўқолган ва жароҳатланганлар сони.</p> <p><b>11.5.2.</b> Глобал ЯИМнинг улуши сифатида тўғридан-тўғри иқтисодий йўқотишлар, муҳим инфратузилманинг шикастланиши ва асосий хизматлардаги табиий офатлар билан боғлиқ узилишлар сони.</p> <p><b>11.6.1.</b> <a href="#">2015–2030 йилларда табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастурига</a> мувофиқ табиий офатлар хавфини камайтириш миллий стратегиясини қабул қилган ва амалга ошираётган мамлакатлар сони.</p>
	<p><a href="#">2015–2030 йилларда табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастурига мувофиқ барча даражаларда табиий офатлар хавфини комплекс бошқариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</a></p>	<p><b>11.6.2.</b> Табиий офатлар хавфини камайтириш миллий стратегияларига мувофиқ табиий офатлар хавфини камайтириш стратегиясини қабул қилган ва амалга ошираётган маҳаллий ҳокимият органларининг улуши.</p>

<p><b>13-мақсад:</b> Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши шошилч чоралар кўриш</p>	<p><b>13.1.</b> Барча мамлакатларда хавfli иқлим ҳодисалари ва табиий офатларга чидамлилиқ ва мослашиш қобилиятини ошириш.</p>	<p><b>13.1.1.</b> 100 000 кишига офатлар натижасида ўлганлар, бедарак йўқолган ва жароҳатланганлар сони.</p> <p><b>13.1.2.</b> 2015–2030 йилларда табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича <a href="#">2015–2030 йилларда табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастурига</a> мувофиқ табиий офатлар хавфини камайтириш миллий стратегиясини қабул қилган ва амалга ошираётган мамлакатлар сони.</p> <p><b>13.1.3.</b> Табиий офатлар хавфини камайтириш миллий стратегияларига мувофиқ табиий офатлар хавфини камайтириш стратегиясини қабул қилган ва амалга ошираётган маҳаллий ҳокимият органларининг улуши.</p>
--	--	--

Гендерни DRRMга интеграция қилиш нуқтаи назаридан **БPM 3** (“Соғлом ҳаётни таъминлаш ва барча ёшдагилар учун фаровонликни тарғиб қилиш”) ва **БPM 5** (“Гендер тенглигига эришиш ва барча аёллар ва қизларнинг имкониятларини кенгайтириш”) табиий офатлар уларда алоҳида қайд этилмаган бўлса ҳам долзарбдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг атроф-муҳит шароитларини ҳисобга олган ҳолда, **БPM 15** (“Ер усти экотизимларини муҳофаза қилиш, тиклаш ва барқарор фойдаланишни рағбатлантириш, ўрмонларни барқарор бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва қайтариш ҳамда биологик хилма-хилликнинг йўқолишини тўхтатиш”) секин бошланган ва узоқ муддатли экологик инқирозлар, масалан, Орол денгизи атрофида ва кенгроқ чўлланиш нуқтаи назаридан ҳам долзарбдир.


### **Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик (WPS) кун тартиби**

Кўпинча Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик (WPS) кун тартиби деб аталадиган нарса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 10 та резолюциясига (UNSCR) асосланади. У 2000 йилда қабул қилинган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг UNSCR 1325 дан бошланган ва уни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган ҳозирги кунга қадар 200 га яқин Миллий ҳаракатлар режаларидан (МХР) иборат.<sup>1</sup> АТХ кун тартибининг мақсади можаролар ва фавқулотда вазиятлар аёллар ва қизларнинг эҳтиёжлари ва заиф томонларига зарур эътибор берилишини, аёллар ва қизларнинг ҳуқуқларини бузмаслигини, аёллар ва қизларнинг ҳимоя қилинишини ва гендер тенглиги барча

<sup>1</sup> БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюцияларининг тўлиқ рўйхатига UNSCR 1325 (2000), UNSCR 1820 (2009), UNSCR 1888 (2009), UNSCR 1889 (2010), UNSCR 1960 (2011), UNSCR 2106 (2013), UNSCR 2122 (2013), UNSCR 2242 (2015), UNSCR 2467 (2019) ва UNSCR 2493 (2019), бундан ташқари, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2250-сонли Резолюциясида (2015) “Ёшлар, тинчлик ва хавфсизлик” кун тартиби белгиланган.

босқичларда илгари сурилишини таъминлаш. АТХ кун тартиби кўпинча тўртта устунга эга деб айтилади: **иштирок этиш, олдини олиш, ҳимоя қилиш, ёрдам бериш ва қайта тикланиш.**

**1-расм: WPS да иштирок этиш, олдини олиш, ҳимоя қилиш, ёрдам бериш ва қайта тиклаш устунлари**



Тўрт устундан тўртинчиси — Ёрдам ва тикланиш — DRRM учун энг таалуқлисидир. Бироқ, шу билан бирга, барча босқичларда аёллар ва қизларнинг тўлиқ ва мазмунли иштирокини таъминлаш, зўравонлик ёки аёллар ва қизларнинг ҳуқуқларига ҳар қандай ҳужумларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек зарарлардан ҳимоя қилишни таъминлаш орқали қолган учта компонентни ҳам барча босқичларда ҳисобга олиш керак. Шунини таъкидлаш керакки, гендер асосидаги зўравонликнинг (GBV) олдини олиш ва ундан ҳимоя қилиш кўпинча ушбу устунларнинг энг кўп эътибор қаратадиган қисми бўлса-да, резолюциялар кенгроқ маънода зўравонликнинг барча шаклларига, шунингдек, ҳуқуқларни ҳимоясига ҳам тегишли.

*Идоралараро доимий қўмитанинг (IASC) Гендер бўйича бошқарув қўлланмаси*

Амалий даражада, Идоралараро доимий қўмита (IASC) DRRM учун келишилган энг яхши амалиёт кўрсатмаларини ишлаб чиқади. Фавқулдда вазиятлар ва инсонпарварлик ёрдамида гендерни интеграция қилиш бўйича халқаро миқёсда келишилган асосий қўлланма Гуманитар ҳаракатлар учун гендер бўйича қўлланмасидир (2018) ([IASC Gender Handbook for Humanitarian Action \(2018\)](#)). Унинг асосий тамойиллари табиий офатлар ва инсонпарварлик ёрдамида гендерга асосланган камситишнинг олдини олиш, шунингдек:

1. Аёллар ва қизлар томонидан қийинчилик билан эришган фавқулдда вазиятлардан олдинги ютуқларни сақлаб қолиш;
2. Айрим аёллар, қизлар, эркаклар ва ўғил болалар, уларнинг оилалари ва ҳамжамиятлари учун исталган натижаларга эришиш;
3. Маргинал ёки заиф гуруҳларни алоҳида қамраб олиш;
4. Чидамлиликни сақлаш ва мустаҳкамлаш;
5. Олдиндан мавжуд бўлган гендер тенгсизликларини бартараф этиш.

Бошқарув қўлланмасида табиий офатларни бошқариш ва гуманитар ёрдамнинг турли босқичларида ҳимоя эҳтиёжлари; бошпана ёки сув, санитария ва гигиена (WASH) каби барча долзарб соҳаларда гендерни интеграция қилиш бўйича амалиётчилар учун батафсил кўрсатмалар берилган.

## Гендер ва фалокатлар/фавқулотда вазиятлар

### Фалокат турлари

DRRM турли қўламдаги ва турли келиб чиқишдаги офатларга тайёргарлик ва жавоб чораларини қамраб олади. Бу тўсатдан, тез бошланган фавқулотда вазиятлар ёки секин бошланган фавқулотда вазиятлар бўлиши мумкин; табиий офатлар ёки техноген офатлар ёки иккаласининг комбинацияси, бунда инсон фаолияти табиий офатни кучайтиради ёки аксинча. Ўтган йиллар давомида дунё гувоҳи бўлганидек, фавқулотда вазиятларни режалаштиришда Covid-19 каби пандемияларни ҳам ҳисобга олиш керак. Иқлим ўзгаришининг кучайиши билан об-ҳаво ва атроф-муҳит билан боғлиқ фавқулотда вазиятлар қўлами ва жиддийлиги ошиши кутилмоқда. Бу тошқинлар каби жуда кўзга кўринган бўлиши мумкин ёки иссиқлик стрессининг узоқ муддатли таъсири каби яширин бўлиши мумкин. Улардан баъзилари шиддатли бўронлар каби тез бошланади, бошқалари ўрта муддатли (масалан, қурғоқчилик), бошқалари эса чўлланиш ёки чучук сув ҳавзаларининг шўрланишининг кучайиши каби секин бошланади ва узоқ муддатли бўлади.

Ўзбекистон дуч келадиган фавқулотда вазиятлар ва фалокатларнинг асосий турларидан баъзилари:

- зилзилалар,
- тошқинлар,
- қурғоқчилик,
- кучли бўронлар ва қум бўронлари,
- мумкин бўлган саноат ёки транспорт ҳодисалари,
- чўлланиш (шу жумладан Орол денгизи ҳавзасида),
- иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит деградациясига бошқа таъсирлар ва
- пандемиялар.

Қолаверса, Ўзбекистон қўшни мамлакатлардаги фавқулотда вазиятлар ёки офатларнинг иккиламчи таъсирига ҳаракат қилиш керак бўлиши мумкин, чунки бу қочоқларнинг тўсатдан оқимини келтириб чиқариши ёки Ўзбекистон иқтисодиёти ва жамиятига бошқа йўллар билан таъсир қилиши мумкин.

### Гендер ва табиий офатлар

Фалокатлар ва фавқулотда вазиятлар мавжуд гендер кучлари номутаносиблигини кучайтириши мумкин, лекин одамлар ва жамоалар ўзгарган шароитларга мослашгани сабабли гендер роллари ва кутилаётган нарсаларнинг ўзгаришига олиб келиши ҳам мумкин. Табиий офатдан олдинги гендер роллари ҳамда ресурслардан, маълумотларда фойдаланиш имконияти ва мобилликдаги гендер фарқлари аёллар ва эркекларни турлича потенциал хавф ва заифлик ҳолатига олиб келади.

### Аёллар ва қизлар

Глобал миқёсда аёллар эркекларга қараганда ресурслардан камроқ фойдаланиш имкониятига эга, у молиявий ва иқтисодий ресурслар, ер ва уй-жой олиш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш ва сиёсий таъсирни ишга солиш, транспорт

воситаларидан фойдаланиш ва умумий мобиллик ва кўпинча телекоммуникация қурилмаларидан камроқ фойдаланиш имкониятига эга. Шунингдек, аёллар қарор қабул қилиш органлари ва жараёнларида кўпинча кам вакилликка эга. Қолаверса, Ўзбекистонда аёлларнинг кўп қисми паст малакали ва кам ҳақ тўланадиган ишларда, масалан, қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати билан банд. Нафақахўр аёллар, айниқса, молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланиш нуқтаи назаридан тенгсиз аҳволга тушиб қолишлари мумкин.

Марказий Осиёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида бўлгани каби, кўп сонли ўзбек эркаклари аёл бошчилигидаги уй хўжаликларини (FHH) ортда қолдириб, меҳнат миграциясига кетишади. Бироқ, бу уй хўжаликларидаги аёллар баъзан чекланган автономияга эга бўлиши мумкин, чунки уларнинг эри ёки қайнотаси ҳали ҳам уларнинг ҳаётлари устидан маълум даражада назоратга эга, жумладан, оилани режалаштириш ва молиявий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишади. Ижтимоий ва диний жиҳатдан кучли консерватив оилалардаги аёллар мобиллик, маълумот олиш ва ресурслардан фойдаланиш нуқтаи назаридан кўшимча тўсиқларга дуч келишлари мумкин. ОИВ/ОИТС билан яшовчи аёллар каби бошқа ижтимоий муҳофазага муҳтож аёллар ҳам кўшимча тўсиқлар, камситишлар ва заифликларга дуч келиши мумкин. Бу омилларнинг барчаси фавқулотда вазият ёки табиий офат юз берганда аёллар ва қизлар учун салбий оқибатларга олиб келади, чунки улар нима бўлаётгани ҳақида камроқ хабардор бўлганлари, камроқ мобилликка эга бўлганлари туфайли уларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлиги заифлашади, ва улар мавжуд ҳаракат қилиш тизимларининг тузилишига таъсир ўткази олиш у ёқда турсин, ҳатто билмасликлари ҳам мумкин.

Дунёнинг аксарият жамиятларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам аёллар зиммасига овқат пишириш, оила парвариши ва уй-рўзғори ишлари каби репродуктив меҳнат билан шуғулланиш тушади. Табиий офатлар кўпинча бу вазифаларни бажариш учун зарур бўлган вақт ва куч сарфланишини оширади ва уй ишларини бажариш керак бўлган шароитлар янада қийинлашади (масалан, вақтинчалик бошпаналарда). Бу аёллар ва қизлар учун стресс ва чарчоқ даражасини оширади.

Табиий офатдан сўнг, аёллар ва қизлар ярадор, касал ёки жароҳатланганларга оилаларда, жамоаларда ва ҳаракат қилиш хизматларида асосий ёрдам кўрсатадиган бўладилар. Бу аёллар ва қизларнинг оилада ва жамиятда ҳақ тўланмайдиган парваришlash ишларини бажаришлари кераклиги ижтимоий-маданий жиҳатдан уларда кутилиши, шунингдек, уларнинг ҳамширалар каби ҳақ тўланадиган парваришlash касбларда аёлларнинг кўплиги билан боғлиқ. Айрим аёллар ва аёллар ташкилотлари, шунингдек, Covid-19 пандемияси каби офат ёки секинроқ бошланган фавқулотда вазиятлар пайтида тезкор ёрдам ва кўмак ташкил қилишда кўпинча биринчи ўринда туришади. Аёлларнинг ғамхўрлиги жамият учун муҳим ҳисса бўлса-да, у кўпинча кам қадрланади, унга ҳақ тўланмайди ёки кам тўланади, аёлларни чарчатади ва қарорлар қабул қилишда қатнашиш ёки яхши ҳақ тўланадиган иш топиш учун вақти етмаслигига олиб келади.

Табиий офатлар ва фавқулотда вазиятлар, шунингдек, кўпинча оиладаги зўравонлик (DV) ва яқин шериклар томонидан зўравонлик (IPV) кўпайишига олиб келади, айни пайтда вақтинчалик бошпана ва лагерларда аёллар ва қизлар учун жинсий зўравонлик,

жинсий тазйиқ, эксплуатация ва қўпол муомала (SHEA) хавфи ошади. Кўчирилган ҳолатларда, аёллар ва қизларнинг одам савдоси қурбони бўлиш хавфи юқори бўлиб, оилалар вазиятдан чиқишнинг салбий механизм сифатида қизларни эрта ёки мажбурий турмушга беришлари мумкин. Бундан ташқари, агар DRRMни режалаштиришда бу ҳисобга олинмаса, аёллар ва қизларнинг жинсий ва репродуктив саломатлик (SRH) хизматлари ва ҳайз кўриш гигиена воситаларидан фойдаланиш имконияти камайиши мумкин. Аёллар ва қизларнинг руҳий саломатлик ва психо-социал қўллаб-қувватлаш хизматларидан (DRRM) фойдаланиш имконияти ҳам кўпинча табиий офатлар шароитида чекланган.

### **Эркаklar ва ўгил болалар**

Эркаklar ва камроқ даражада ўгил болалар фавқулотда вазиятлар ёки фалокат бошланишида аёлларга нисбатан яхшироқ мавқега эга бўлишса-да, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, улар ҳам кўпинча фавқулотда вазиятларлардан сўнг қийинчиликларга эга бўлишади. 2004 йилги Ҳинд океанидаги цунами, 2015 йилдаги Непалдаги zilзила, 2013 йилдаги Филиппиндаги Haiyan тўфони, 2011 йилдаги Япониядаги Фукусима атом фалокати, шунингдек, кўчирилган грузин ва чечен эркаklarга таъсир бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг ҳаммаси эркаklarнинг янги шароитларни енгишдаги курашларидан далолат беради. Эркаklarга таъсир иқтисодий таъминотчи мақомини ва иш билан боғлиқ шахсиятини йўқотиш туфайли ўзига нисбатан ҳурматни йўқотиш, спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларни суистеъмол қилиш, депрессия ва бошқа руҳий саломатлик муаммолари каби салбий курашиш механизмлари, хавфга юқори мойиллик, шунингдек, уйда ва жамиятда, хусусан, фавқулотда вазиятларга қарши кураш ва жамият даражасида тикланиш ҳаракатлари доирасида, эркаklar устунлигини қайта тиклашга уринишлар кўринишида бўлади. Жамиятда эркаklarдан матонатли бўлиши кутилиши уларнинг тиббий ёки MHPSS хизматларига мурожаат қилишларига тўсқинлик қилиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилганидек, асосан эркаklar томонидан содир бўлган DV/IPV даражаси кўпинча табиий офатлардан кейин ошади.

Жамият даражасидаги табиий офатлар хавфини бошқариш кўмиталари, лагерларни бошқариш кўмиталари ва маҳаллий даражадаги қарорларни қабул қилишда одатда эркаklar ҳукмронлик қилади, чунки эркаklarдан қарор қабул қилувчи, жамият етакчиси ва оила ҳимоячиси бўлиши кутилади. Табиий офатларда, агар аёллар ва болалар фавқулотда вазиятга кўра ҳаракат қилишдан олдин, масалан, эвакуация қилиш учун, эркаklar қарорлари ва розилигини кутишлари керак бўлса, бу бошқа оила ва жамият аъзоларига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин. Бу, айниқса, эркаklar жисмонан мавжуд бўлмаганда, масалан меҳнат миграцияси туфайли, муаммо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, эркаklar аёл оила аъзолари учун ўзлари яхши билмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишлари мумкин, масалан, аёлларга SRH хизматларидан фойдаланишга рухсат бериш ёки бермаслик. Бу эса аёлларга жиддий зарарли таъсир кўрсатиши мумкин. Эркаklar, уй-жой ва ернинг асосий эгалари сифатида, шунингдек, ўз мулкларини хавфсиз бўлганидан кўра узоқроқ вақт тарк этмаслик ва ҳимоя қилишга интилишлари мумкин, масалан сув тошқини содир бўлганда.

Эркаklar ва ўгил болаларга, улардан иқтисодий таъминотчи бўлишлари кутилиши туфайли, фавқулотда вазиятлар ёки офатдан кейин ишлаш учун кўчиб кетиш босими



кучайиши мумкин. Бу уларни одам савдоси ва бошқа зўравонлик ва эксплуатация қурбони бўлиш хавфи остида қолдиради. Аёллар ва қизларга қараганда камроқ тарқалган бўлса-да, эркаклар ва ўғил болалар ҳам табиий офатлардан кейин жинсий зўравонлик нишонига айланиши мумкин.

### **Ўзаро боғлиқ омиллар — ижтимоий-иқтисодий синф, ёш ва ногиронлик**

Юқорида муҳокама қилинганидек, гендер потенциал заифлик ва чидамлилиikka таъсир қилувчи ягона омил эмас, ва гендер бир қанча бошқа омиллар билан кесишади, аёллар ва эркакларни турли хил хавф, заифлик ёки чидамлилик ҳолатига туширади. Фавқулдда вазиятларда эътиборга олинадиган учта асосий омил — бу ижтимоий-иқтисодий синф, ёш ва ногиронлик.

Ижтимоий-иқтисодий синф ўзаро боғлиқ муаммо сифатида бойларни камбағаллардан устун қўйади, чунки биринчиси фойдаланиш учун кўпроқ молиявий ва моддий ресурсларга, сифатлироқ уй-жойга, яхшироқ мобилликка ва маълумот олиш имкониятига эга ва кўпроқ сув тошқинлари, қурғоқчилик ёки бошқа офатлардан камроқ таъсир кўрадиган ҳудудларда яшайди. Ёш нуқтаи назаридан, болалар ва ўсмирлар, шунингдек, қариялар учун алоҳида заифликларни ҳисобга олиш керак, жумладан, ҳимоя ва соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари, паст мобиллик ва чекланган маълумот олиш имконияти, айниқса, агар маълумот асосан онлайн ёки ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилса. Ногиронлик, ҳам жисмоний, ҳам ақлий, шунингдек, жиддий сурункали тиббий ҳолатлар офат пайтида, шу жумладан мобиллик ёки ахборот ва бошқа ресурслардан фойдаланиш имконияти йўқлиги сабабли хавфларни ошириш нуқтаи назаридан асосий омил ҳисобланади.<sup>2</sup>


---

2 2021 йилда Германияда содир бўлган сув тошқинлари ногиронлиги бор инсонлар учун хавфнинг ёрқин намунаси, чунки муассасадаги 12 нафар бемор етарлича тез эвакуация қилина олмагани учун чўкиб кетган.

## Гендер ҳамда фалокатлар хавфини камайтириш ва бошқариш

Гендер интеграцияси орқали DRRM самарадорлигини ошириш учун уни режалаштириш ва тайёрлашдан тортиб, тезкор жавоб беришгача, ўрта ва узоқ муддатли тикланишгача бўлган барча босқичларда ҳисобга олиш керак (2-расмга қаранг).

### 2-расм. DRRM босқичлари (Манба: IFRC)



Барча босқичларда изчил равишда интеграция қилиниши керак бўлган бир нечта ўзаро боғлиқ масалалар мавжуд. Буларга қуйидагилар киради:

- Аёллар ва бошқа тарихан чеккада қолган гуруҳларнинг **мазмунли иштирокини таъминлаш. Бу фақатгина ҳуқуқларга асосланган сабаблар учун эмас. Айни пайтда бу ушбу гуруҳларнинг эҳтиёжлари ва потенциал заифликларини яхшироқ тушунишга** имкон беради;
- Ҳар қандай шаклдаги гендерга асосланган зўравонликнинг **олдини олиш, ва керак бўлганда жавоб бериш** учун ҳар бир босқичда тегишли чоралар кўрилишини таъминлаш;
- **Одам савдоси ёки бошқа зўравонликнинг олдини олиш, ва керак бўлганда жавоб бериш** учун ҳар бир босқичда тегишли чоралар кўрилишини таъминлаш;
- **Жисмоний ва ақлий ногиронлиги бўлган, шунингдек, ОИВ/ОИТС** каби сурункали касалликларга чалинган шахсларнинг эҳтиёжлари ҳар бир босқичда ҳисобга олинишини таъминлаш.

### Табиий офатларга тайёргарлик

Гендерни бирлаштириш керак бўлган биринчи босқич — бу табиий офатларга тайёргарлик кўриш ва хавфларни камайтиришдир. Бу бутун мамлакат бўйлаб ўзига хос потенциал эҳтиёжлар ва заифликларни аниқлайдиган ва тайёргарлик чоралари

учун йўриқнома сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган кенг қамровли ва батафсил гендер таҳлилига асосланиши керак. Барча босқичларда бўлгани каби, маълумотлар тўплашда, офатларга тайёргарлик дастурларини ишлаб чиқишда ва ҳар қандай ҳаракат қилиш бўйича тренинглар ва салоҳиятни ошириш тадбирларида аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва бошқа тарихан четга чиқарилган гуруҳларнинг иштирокини таъминлаш керак.


Олдиндан тайёрланган ҳаракат қилиш тўпламлари аёллар ва қизлар учун ҳайз кўриш гигиена воситалари каби нарсаларни ўз ичига олишига ва фавқулодда вазиятларда фойдаланиладиган маълумотларни йиғиш тизимлари жинс ва ёш бўйича маълумотларни тўплаш (SADD) учун мўлжалланганлигига эътибор бериш керак.

Шунингдек, фавқулодда вазиятларда тезкор ёрдам берувчилардан тортиб юқори раҳбариятгача бўлган барча тезкор ҳаракат қилиш ходимлари Гуманитар ҳаракатларда гендер масалалари бўйича (GiHA) унинг аҳамиятини ва DRRMнинг барча босқичларида гендер нуқтаи назарини амалиётга қандай интеграция қилишни тушуниш учун ўқитилган бўлиши муҳим.

### Тезкор жавоб бериш

Офат юз бергандан сўнг, олдиндан ишлаб чиқилган ва тайёрланган ҳаракат қилиш ва бошқарув тизимлари ишга тушади, ва жавоб чоралари турли миқёсдаги фавқулодда вазиятлар ва офатлар учун бир хил бўлган Гуманитар дастурлаш циклига (HPC) амал қилиш керак (3-расмга қаранг).

### 3-расм. Гуманитар дастурлаш цикли (Манба: UN OCHA)



Юқорида айтиб ўтилганидек, [IASC нинг Гуманитар ҳаракатлар учун гендер бўйича бошқарув қўлланмасида \(2018\)](#) ва бошқа GiHA воситалар тўплами ва сиёсатлари инсонпарварлик ёрдами ишининг турли соҳаларида дастурлаш циклининг турли босқичларига гендерни қандай интеграция қилиш бўйича батафсил кўрсатмалар беради.

Фалокатдан кейинги муҳим биринчи қадам эҳтиёжларни тезкор баҳолаш ва тезкор гендер таҳлили (RGA) ёрдамида жабрланган аҳолининг эҳтиёжларини дарҳол ҳисоблашдир. Булар учун турли ёндашувлар ва моделлар мавжуд ва энг муҳими, аёллар ва эркекларнинг турли эҳтиёжларини ҳисобга олиш учун камида SADD маълумотларига эга бўлишдир. Фойдаланиш мумкин бўлган ёндашувлардан бири [Имкониятлар ва заифликларни баҳолаш тизими \(CVA\)](#) (1-жадвалга қаранг). Бу мумкин бўлган заифликларни баҳолашдан ташқари, аралашув чораларини асослаш мумкин бўлган мавжуд имкониятларни ҳам аниқлайди.

## 2-жадвал: Соддалаштирилган CVA рамкасига мисол

Имкониятлар	Заифликлар		Салоҳият	
	Эркеклар	Аёллар	Эркеклар	Аёллар
Жисмоний ва моддий				
Ижтимоий/ташкилий				
Иқтисодий				
Экологик				
Сиёсий				
Институционал				
Мотивацион/Муносабатга тегишли				
Бошқа				

Эҳтиёжларни тезкор баҳолаш ва RGA орқали тўпланган маълумотлар фалокатдан кейинги ёрдам кўрсатишни белгилайди. Бутун жараён давомида маълумот тўплаш, ёрдам кўрсатиш ва бошқа тадбирлар учун аралаш жинсли гуруҳлардан фойдаланиш мақбулроқдир, чунки бу мўлжалланган бенефициарлар учун жараённи янада самаралироқ қилишга ёрдам беради (масалан, аёллар ўзларининг барча эҳтиёжларини муҳокама қилишда эркек ходимлар билан ўзларини қулай ҳис қила олмайдилар).

Кичикроқ фавқулудда вазиятлар ва офатлар бўлса, тўпланган маълумотларга асосланган ҳаракат қилиш чоралар режаси нисбатан қисқа ва аниқ бўлиши мумкин. Бироқ, кенг миқёсли ва мураккаб фавқулудда вазиятлар ва офатлар учун янада кенг қамровли Гуманитар ёрдам режасини (HRP) ишлаб чиқиш керак бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, GBVнинг турли шакллари олдани олиш ва уларга жавоб бериш фавқулудда вазиятларга жавоб беришнинг барча босқичларида асосий йўналиш бўлиши керак. Бу ҳар қандай вақтинчалик яшаш жойлари, хусусан, WASH иншоотлари SHEA эҳтимолини камайтирадиган тарзда бўлишини, шунингдек, DV/IPV ёки болаларга нисбатан зўравонликнинг олдани олиш учун жабрланган оилалар билан

ишлаш учун мўлжалланган бўлишини таъминлашни ўз ичига олади. Олдини олишдан ташқари, самарали, фойдаланиши осон ва жабрланганларга қаратилган ҳаракат қилиш механизмлари мавжуд бўлиши керак (шунингдек, **5-бўлимда** келтирилган қўшимча манбаларга қаранг).

### *Жинсий эксплуатация, зўравонлик ва тазйиқни олдини олиш (PSEAH)*

Фавқулотда вазиятлар ва офатлардан жабрланган аҳолининг заифлиги уларга ёрдам бериши керак бўлганлар томонидан эксплуатация ва зўравонлик, шу жумладан жинсий зўравонликка дучор бўлиш хавфини оширади. Шунинг учун ёрдам кўрсатадиган ҳар қандай идора ва ташкилотлар жинсий эксплуатация, зўравонлик ва тазйиқнинг (PSEAH) олдини олиш бўйича тайёргарликдан ўтган ва қатъий протоколларга эга бўлиши керак, ҳамда жиноят содир этилишига нисбатан тоқатсиз муносабат кўрсатишлари керак. Ҳар қандай даъволарга жавоб бериш ва жабрланганларга қаратилган ёрдам кўрсатиш учун мустаҳкам, ишончли ва самарали ҳаракат қилиш механизмлари бўлиши керак.

### *MHPSS*

Фавқулотда вазиятларда ҳаракат қилишда MHPSSни нафақат стресс ва травмани ўзини бартараф этиш учун, балки DV/IPV, болаларга нисбатан зўравонлик, гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилиш ёки ўз жонига қасд қилиш каби салбий механизмларнинг олдини олиш учун ҳам кўпроқ интеграция қилиш заруратини тушуниш тобора ортиб бормоқда. MHPSSни таъминлаш гендерни ҳам ҳисобга олиши керак, чунки эркаклар ва аёллар хизматлардан фойдаланишда турли хил ижтимоий ва маданий тўсиқларга дуч келишади.

MHPSS, шунингдек, куйиб-битишни олдини олиш ҳамда бирламчи, иккиламчи ёки иккинчи даражали травмага қарши ишлаш учун тезкор хизматлар ходимларининг ўзлари учун ҳам мавжуд бўлиши керак.

### **Ўрта/узоқ муддатли реабилитация ва тикланиш эҳтиёжлари**

Фавқулотда вазиятларда зудлик билан ҳаракат қилишдан сўнг, табиий офатдан жабр кўрган ҳамжамиятларга ёрдам бериш учун узоқ муддатли чоралар кўриш керак. Табиий офат кўламига қараб, бу тиклаш, кўчириш, вақтинчалик уй-жой, фавқулотда вазиятда таълим, иқтисодий ёрдам схемалари (масалан, иш учун нақд пул (CFW) ёки моддий ёрдам дастурлари) ёки бошқа чораларни ўз ичига олиши мумкин. Бошқа босқичларда бўлгани каби, булар ҳам ҳар томонлама ва контекстли гендер таҳлилларига асосланиши ва аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш (WEE) схемаларини яратиш ва FHHга ёрдам бериш каби потенциал заифликларни бартараф этиши керак. Булар мавжуд ва режалаштирилган ёрдам тузилмалардан, масалан, “Ишга марҳамат” марказларидан қисман фойдаланиши мумкин. Аёлларга кўрсатилган ҳар қандай ёрдам уларни эркаклар томонидан жавобан потенциал зўравонлик қилиш хавфи остида қолдирмаслигини таъминлаш керак. Ташкилотлар ва идоралар табиий офатдан ва фавқулотда вазиятдан кейинги ёрдам чораларини оилалардаги зиддитларни камайтириш, DV/IPV нинг олдини олиш, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва барқарорликни яхшилаш, гендер тенглиги ва аёлларни рағбат-

лантириш учун гендер-трансформатив ёндашувлар (GTA) билан боғлаш йўлларини кўпроқ ўрганияптилар.

Ҳаракат қилишнинг турли босқичларида одам савдосининг гендерга тегишли хавфини ҳисобга олиш ва бартараф этиш зарур. Барча ёшдаги ва жинсдаги шахслар учун одам савдоси ҳолатларида жисмоний, молиявий ва эмоционал зўравонлик ҳамда меҳнат эксплуатацияси хавфи юқори бўлиб, жинсий зўравонлик ва эксплуатация аёллар ва болалар учун алоҳида хавф ҳисобланади.<sup>3</sup>

---

3 Кўшимча қаранг: [OSCE \(2021\) Applying Gender-Sensitive Approaches in Combating Trafficking in Human Beings](#)

## Қўшимча манбалар

- Care International (n.d.) [Care Emergency Toolkit — Gender in Emergencies](#)
- Global Fund (2022) [Guidance Note on Protection from Sexual Exploitation, Abuse, and Harassment \(PSEAH\)](#)
- IASC (2020). [IASC Guidelines on Mental Health and Psychosocial Support in Emergency Settings](#)
- IFRC (n.d.) [Youth as Agents of Behavioural Change](#)
- Interaction (n.d.) [Gender Based Violence Prevention Evaluation Framework](#)
- OECD/DAC (2019). [Engaging With Men and Masculinities in Fragile and Conflict-Affected Settings](#)
- EXXТ (2021) [Applying Gender-Sensitive Approaches in Combating Trafficking in Human Beings](#)
- Oxfam (2011). Gender and Disaster Risk Reduction — Training Pack
- Save the Children (2009) [Protecting Children in Armed Conflict and Natural Disaster](#)
- UNFPA (2019) [The Inter-Agency Minimum Standards for Gender-Based Violence in Emergencies Programming](#)
- UNFPA Asia-Pacific (2021). Accountability to Affected Populations (AAP)
- UN Women (2020). [How to Promote Gender-Responsive Localization in Humanitarian Action](#)
- Жахон банки (2022) [Gender Dynamics of Disaster Risk and Resilience](#)







HM/29.05.2023

**Руководство по гендерным  
вопросам и реагированию  
на стихийные бедствия**

# РУКОВОДСТВО



Organization for Security and  
Co-operation in Europe  
Project Co-ordinator in Uzbekistan

НМ/29.05.2023

**Руководство по гендерным вопросам и реагированию на стихийные бедствия**

*Проект 1*

Генри Миртинен

## СОДЕРЖАНИЕ

<b>Ключевые термины</b> .....	<b>26</b>
<b>Введение</b> .....	<b>27</b>
Справочная информация .....	27
Обзор структуры .....	27
<b>Правовые рамки</b> .....	<b>28</b>
Национальные правовые рамки .....	28
Международно-правовые рамки и руководящие принципы .....	29
Конвенции Организации Объединенных Наций по правам человека .....	30
Цели устойчивого развития (ЦУР) .....	30
Повестка дня «Женщины, мир и безопасность» (ЖМБ) .....	33
<b>Гендер и бедствия/ чрезвычайные ситуации</b> .....	<b>35</b>
Виды катастроф .....	35
Гендер и стихийные бедствия .....	35
Женщины и девочки .....	35
Мужчины и мальчики .....	37
Сквозные факторы — социально-экономический класс, возраст и инвалидность .....	38
<b>Гендер и снижение риска бедствий и управление ими</b> .....	<b>39</b>
Готовность к стихийным бедствиям .....	39
Немедленное реагирование .....	40
Среднесрочные и долгосрочные потребности в реабилитации и восстановлении .....	42
<b>Дополнительные ресурсы</b> .....	<b>44</b>

## Ключевые термины

**Стихийное бедствие** — разрушительное природное или природно-антропогенное явление, или процесс значительного масштаба, в результате которого может возникнуть или возникла угроза жизни и здоровью людей, произойти разрушение или уничтожение материальных ценностей и компонентов окружающей природной среды. (IFRC, n.d.)

